

# **Шри Ланкада никоҳ тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилди**



17:00 / 08.03.2021 1730

Шри Ланка Мудофаа вазирлиги исломий китобларни олиб киришга тақиқ қўймоқчи. Бу ҳақда [theislamicinformation.com](http://theislamicinformation.com) манбаси хабар берди.

Ушбу ҳаракат Шри Ланкада коронавирусдан вафот этган 19 та мусулмон шахсларнинг жасадларини мажбуран ёқиб юбориш реакциясига дуч келганидан кейин содир бўлди.

Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг ташрифидан сўнг, Шри Ланка ҳукумати мажбурий куйдиришни тўхтатди. Коронавирусдан вафот этганларни узоқ оролга дафн этиш имкони яратиб берилди.

Бироқ бу ҳолат вазиятни юмшатмаган ва мамлакатда жиддий норозиликларни келтириб чиқарган.

Шри Ланкада бундан ташқари мусулмонларнинг никоҳ тўғрисидаги қонунига ўзгартириш киритилган. Унда юз пардаси тақиқланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши Шри Ланкада мамлакатда давом этаётган инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини диққат билан кузатиб боради.

Халқаро инқироз гурухининг катта маслаҳатчиси Алан Кинан ҳам Шри  
Ланкада мусулмонларга нисбатан камситиш кучайиб бораётганини  
таъкидлаган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***